

“Тасдиқлайман”



Ўзбекистон Республикаси  
Маданият вазирлигининг биринчи  
ўринбасари

О.Назарбеков  
2020 й.

“Келишилган”

Республика “Соғлом авлод учун”  
Халқаро хайрия фонди бошқарув  
раиси С.Т. Иномова

2020 й

“Келишилган”



Андижон вилояти маданият  
бошқармаси бошлиғи

М.Сагтарова  
2020 йил

“Келишилган”

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
Андижон вилояти Кенгаши раиси

О.Юлдашев  
2020 йил

“Келишилган”

Андижон вилояти  
телерадиокомпанияси директори

Б.Мирзахмедов  
2020 йил

“Келишилган”

Избоскан тумани “DAVRON-  
JAHON” МЧЖ директори

Ж.Махкамов  
2020 й

“Келишилган”

Андижон тумани “Хонзодабегим  
нихоллари” ФХ раҳбари

А.Хасанов  
2020 й

“Келишилган”

Т.Содиқов номли 7-муסיқага  
ихтисослаштирилган мактаб-  
интернати директори

А.Исмоилов  
2020 й

## “ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОҲАНГЛАРИ”

номидаги Республика очик танловини  
ташқил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

### НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 19 мартдаги видеоселекторда илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Андижон вилояти Кенгаши, Андижон вилоят телерадиокомпанияси, Республика “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия фонди, хомийлар - Андижон тумани “Хонзодабегим нихоллари” ФХ, Избоскан тумани “DAVRON-JAHON” МЧЖ ҳамда Маданият вазирлиги тасарруфидаги Т.Содиқов номли 7-муסיқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўзаро ҳамкорлигида, “Халқ чолғулари” ижрочилик йўналишлари бўйича ташқил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Танлов Ўзбекистон Республикасидаги болалар музика ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган музика ва санъат мактаб ва мактаб-интернатлари ўқувчилари иштирокида ўтказилади. Танловда қатнашиш учун унинг шартларига муносиб иштирокчиларни тавсия этиш юзасидан масъулият тегишли вазирлик ва ҳудудий бошқармалар ва таълим муассаса раҳбарлари зиммасига юклатилади.

## II. ТАНЛОВ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

2. Мазкур танлов Республика музика ва санъат таълим муассасаларида тахсил олаётган истеъдодли ёш созанда-ижрочиларни кашф этиш, қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчанлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш, ёш созанда-ижрочиларни ўз мутахассислиги бўйича юқори натижаларга эришишга, халқ чолғуларида ижрочиликни ривожлантиришга, музикаий ижрочилик жараёнида янги ижодий услубларни ахтаришга, жаҳон мумтоз композиторларининг асарларини тарғиб этиш орқали жаҳон музика маданиятини ривожлантиришга ҳамда чолғу ижрочилик анъаналарини сақлаб қолишга хизмат қилади.

## III. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ

3. Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Андижон вилоят Маданият бошқармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Андижон вилоят Кенгаши, Андижон телерадиокомпанияси, Республика “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия фонди ҳамда Маданият вазирлиги тасарруфидаги Т.Содиқов номли 7-музикага ихтисослаштирилган мактаб-интернати таъсисчилиги ва ўзаро ҳамкорлигида, Т.Содиқов номли 7-музикага ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўтказилади.

4. “Ўзбек халқ чолғу оҳанглари” танловини ўтказиш учун профессионал мутахассислар таклиф қилинади ва махсус ҳайъат тузилади. Ҳакамлар ҳайъати таркиби Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда Толибжон Содиқов номидаги 7-музика ихтисослаштирилган мактаб-интернати раҳбариятининг буйруғи билан тасдиқланади.

5. “Ўзбек халқ чолғу оҳанглари” танлов қатнашчиларнинг ёшига қараб кичик, катта гуруҳларга бўлинади ҳамда II турдан иборат бўлиб 16 йўналиш бўйича ҳар икки йилда ўтказилади.

6. Халқаро ва Республика кўрик-танловларида I, II, III-ўринни олган лауреатлар ушбу танловда иштирок этмайдилар.

7. Танлов **26-30 май** кунлари бўлиб ўтади. 26 май 11:00 да очилиш, 14:00 да I-тур бошланади. 30 май куни 11:00 да ёпилиш ҳамда кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

## ГУРУХЛАР

а) Кичик гурух – (13-15 ёш)

б) Катта гурух – (16-18 ёш)

## ЙЎНАЛИШЛАР

№	Чолғу	№	Чолғу	№	Чолғу
1	Най	7	Афғон рубоб	12	Ғижжак
2	Қўш най	8	Дуторлар	13	Ғижжак альт
3	Чанг	9	Дутор бас	14	Ғижжак бас
4	Қонун	10	Танбур	15	Ғижжак контра бас
5	Рубоб-прима	11	Доира, ксилафон ёки маримба	16	Баян, аккордеон
6	Қашқар рубоб				

### Гурухлар бўйича танлов дастури:

Кичик гурух ижро талаби:

#### I-тур

- 1.Шартли асар.
- 2.Ихтиёрий асар (Қардош ёки чет эл композиторлари асарларидан)  
(Доирачилар ксилафон ёки маримбада ижро этади)

#### II-тур

- 3.Оркестр жўрлигида шартли асар

Умумий ижро дастури учун 15 дақиқагача вақт ажратилади.

Катта гурух ижро талаби:

#### I-тур

- 1.Шартли асар.
- 2.Йирик шаклдаги асар (Концерт I қисм ёки II-III қисмлари, соната, фантазия, рапсодия, увертюра ёки вариациялар) (Доирачилар ксилафон ёки маримбада ижро этади)

#### II-тур

- 3.Оркестр жўрлигида шартли асар

Умумий ижро дастури учун 20 дақиқагача вақт ажратилади.

**I-тур****Танлов ташкилотчилари томонидан белгиланган шартли асарлар рўйхати:**

№	Йўналиш	Кичик гуруҳ 13-15	Катта гуруҳ 16-18
1	Най	М.Тоиров қайта ишлаган “Сайёра”	Т.Жалилов, Г. Собитов “Зухра арияси”
2	Қўшнай	Н.Рўзиев “Охиста”	И.Рахимов “Сабо”
3	Чанг	М.Мирзаев “Шодлик”	О.Нуриддинов мус. А.Одилов мослаштирган “Не ажаб дилдор”
4	Қонун	М.Мирзаев “Шодлик”	О.Нуриддинов мус. А.Одилов мослаштирган “Не ажаб дилдор”
5	Рубоб-прима	Р.Абдуллаев “Рақс”	Ш.Собиров “Фантазия”
6	Қашқар рубоб	М.Мирзаев “Марғулон қизлари”	М.Бафоев “Поема”
7	Афғон рубоб	О.Абдуллаева “Байрам уфориси”	М.Отажонов “Концерт”
8	Дуторлар	Э.Шукриллаев, Ф.Н.Васильев қайта ишлаган “Дутор баёти”	Ф.Назаров “Дутор оҳанглари”
9	Дутор бас	Ф.Назаров “Рақс”	С.Жалил “Уч шарқона оҳанг”
10	Танбур	Ўзбек халқ куйи “Ёлғиз” доира билан	Ю.Ражабий “Куйгай” доира билан
11	Доира, ксилафон ёки маримба	Д.Исломов дарслигидан “Тантана” якка ижро	Д.Исломов дарслигидан “Катта ўйин” якка ижро
12	Ғижжак	Ф.Назаров “Юмореска”	Қ.Комилов “Концерт пьеса”
13	Ғижжак альт	Ғ.Қодиров “Ўзбекча рақс”	Р.Глиэр, Т.Содиқов “Рақс”
14	Ғижжак бас	Б.Гиенко “Оразиборн”	Б.Гиенко “Чаман ялла”
15	Ғижжак контра бас	Мушел “Сўзсиз қўшиқ”	Б.Гиенко “Чаман ялла”
16	Баян, аккордеон	А.Холназаров “Токкатина”	Х.Бобоев “Баҳор тонги садоси”

## II-тур

**Танлов ташкилотчилари томонидан белгиланган оркестр жўрлигида ижро этиладиган шартли асарлар рўйхати:**

№	Йўналиш	Кичик гуруҳ 13-15	Катта гуруҳ 16-18
1	Най	Т.Жалилов “Отмагай тонг”	Т.Кулиев “Лезгинка”
2	Кўшнай	И.Акбаров “Алла”	Д.Зокиров “Кўрмадим”
3	Чанг	Ғ.Қодиров “Сюита” I қисм	П.Сарасате “Фантазия IV-қисм”
4	Қонун	Ғ.Қодиров “Сюита” I қисм	П.Сарасате “Фантазия IV-қисм”
5	Рубоб-прима	К.Плансон, А.Зильбер “Гуцульский танец”	Ф.Назаров “Ўзбекча скерцо”
6	Қашқар рубоб	Тамарин “Полька”	Ф.Назаров “Ўзбекча скерцо”
7	Афғон рубоб	Тамарин “Полька”	Рус халқ куйи “Коробейники”
8	Дуторлар	Қурбониён “Навозиши дутор”	А.Гуревич “Старое банджо”
9	Дутор бас	Д.Зокиров “Рақс”	Г.Свиридов “Вальс”
10	Танбур	И.Акбаров “Алла”	Ўзбек халқ куйи “Кўшчинор”
11	Доира, ксилафон ёки маримба	Хоразм халқ куйи И.Икромов доирага мос. “Галалайлум” доира ижросида	А.Мансуров “Янгра доира” доира ижросида
12	Ғижжак	О.Холмухаммедов “Рақс”	Ф.Назаров “Ўзбекча скерцо”
13	Ғижжак альт	С.Жалилов “Қалбимда”	М.Ашрафий “Сўзсиз кўшиқ”
14	Ғижжак бас	С.Жалилов “Қалбимда”	М.Ашрафий “Сўзсиз кўшиқ”
15	Ғижжак контра бас	С.Жалилов “Қалбимда”	М.Ашрафий “Сўзсиз кўшиқ”
16	Баян, аккордеон	К.Морган “Бимбо”	Паолов Пиццигони “Свет и тени”

8. Ўзбекистон Республикасидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб ҳамда мактаб-интернатларидан ҳар бир гуруҳлар ва йўналишлар бўйича **1 нафар** иштирокчи қатнашиши мумкин.
9. Танлов шартлари йилнинг **2020 йил 20 январь** санасига қадар эълон қилинади.
10. Танловга тайёргарлик ва ўтказилиш жараёни оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио ва матбуот) орқали ёритилиб борилади.

#### **IV. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҚДИРЛАШ**

11. Иштирокчилар томонидан ижро дастурлари бевосита ёддан ижро этилади.
12. Танлов икки турда ўтказилиб, иштирокчиларнинг ижролари ҳакамлар ҳайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда 1-тур ижроси учун 25 баллик тизимда баҳоланади. Танловнинг 50% гача иштирокчилари 2-турга ўтказилади. Умумий бали энг кўп бўлган иштирокчилар орасидан ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан танловнинг I-II-III ўрин совриндорлари белгиланади. (йўналишларда ғолиблар аниқланмасдан қолиши ёки ўрин берилмаслиги ҳам мумкин)
13. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг қарори қатъий ҳисобланиб, тақдирлашни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги эътирозлар қабул қилинмайди.
14. Танлов ғолиблари ҳар бир йўналиш бўйича I-II-III ўрин диплом ҳамда дипломлар билан тақдирланади.

#### **V. ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

- a) Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспортнинг нусхаси.
  - b) Номзодга таълим муассаса раҳбарияти томонидан ижодий тавсифнома
  - c) Белгиланган талабномани тўлдириш ва тасдиқлатиш (3x4 расми билан)
  - d) Расм (2 дона 9x12 расм)
15. Т.Содиқов номли 7-муסיқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати раҳбариятига мурожат қилиш орқали маълумот олиш мумкин.
  16. Барча ҳужжатлар Т.Содиқов номли 7-муסיқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкилий гуруҳи томонидан **2020 йил 15 март** кунига қадар қабул қилинади.

#### **VI. ТАНЛОВНИНГ МОЛИЯВИЙ МАСАЛАЛАРИ**

17. Танловнинг барча ташкилий ва иқтисодий томонлари билан боғлиқ молиявий харажатлар юборилаётган муассаса тамонидан қопланади.

**“ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ ОҲАНГЛАРИ”**  
номидаги Республика очик танловида иштирок этиш учун

**ТАЛАБНОМА**

3x4 расм  
ёпиштирилсин

Иштирок этувчи ўқувчининг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Туғилган сана, ой “\_\_\_” \_\_\_\_\_ йил

Гуруҳ ва мутахассислиги \_\_\_\_\_

Таълим олаётган муассасаси номи ва синфи \_\_\_\_\_

Мутахассислик бўйича ўқитувчисининг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_  
тел: \_\_\_\_\_

Жўрнавонинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

**ИЖРО ДАСТУРИ:**

**I-ТУР**

№	Бастакор	Асар номи
1		
2		

**II-ТУР**

№	Бастакор	Асар номи
1		

Талабнома тўлдирилган муддат “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_\_ йил

Танлов шартларига розилик билдираман \_\_\_\_\_  
(имзо)

Тавсия этувчи  
муассаса раҳбари: \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**Бизнинг манзил:**  
**Андижон вилояти Андижон**  
**тумани, Наврӯз МФЙ**

**Мурожаат учун тел:**  
**+998979913383**  
**+998914809856**